O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI HOKIMI QARORI

2022 - yil 26 - iyul 379-3-0-Q/22 Jizzax viloyati hokimligi

Фориш тумани “Оқтепа” МФЙдан деҳқон хўжалиги юритиш учун фуқаро Мамадиёрова Зухрага ажратиб берилган 0,10 гектар ер майдонини туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига давлат мулки сифатида тўлиқ қайтариш ва давлат рўйхатига олиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли Фармонининг ижросини таъминлаш, вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2022 йил 19 июлдаги 01/019-1194-сонли, Фориш тумани ҳокимининг 2022 йил 14 июлдаги 01-1034-сонли хатлари ҳамда фуқаро З.Мамадиёрованинг розилик аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5- ва 36-моддалари ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2022 йил 19 июлдаги 01/019-1194-сонли, Фориш тумани ҳокимининг 2022 йил 14 июлдаги 01-1034-сонли хатлари ҳамда фуқаро З.Мамадиёрованинг розилик аризаси инобатга олинсин.

2. Фориш тумани “Оқтепа” МФЙ ҳудудидаги туман захира ерларининг 799қ-контуридан деҳқон хўжалиги юритиш учун фуқаро Мамадиёрова Зухрага ажратиб берилган 0,10 гектар яйлов ер майдони туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига давлат мулки сифатида қайтарилсин.

3. Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (**Н.Сидиков**)га захирага қайтарилаётган ер майдонини давлат мулки сифатида давлат

рўйхатига олиш вазифаси юклатилсин.

4. Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Б.Бобоқулов**), Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (**Н.Сидиков**), “Жизвилерлойиҳа” вилоят бўлинмаси (**К.Холмуродов**) Фориш тумани ҳокими **(И.Матиев)** билан биргаликда захира ерлар ҳисобига давлат мулки сифатида қайтарилаётган мазкур ер майдонини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги 709-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси” талабларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун очиқ электрон танлов орқали ижарага бериш чораларини кўрсин.

5. Фориш тумани ҳокими **(И.Матиев) уч кун ичида** 0,10 гектар ер майдонининг захира ерлар ҳисобига давлат мулки сифатида қайтарилаётганлиги туфайли деҳқон хўжалиги бошлиғи фуқаро З.Мамадиёровани огоҳлантирсин.

8. Барча хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи корхоналар раҳбарларига фуқаро З.Мамадиёровага тегишли ер майдони Фориш тумани захира ерлари ҳисобига давлат мулки сифатида қайтарилиши муносабати билан ўзаро ҳисоб-китобларни қайта кўриб чиқсин.

9. Фуқаро З.Мамадиёрова томонидан ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганлиги тўғрисидаги аризанинг ҳаққонийлиги учун жавобгарлик вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи **Б.Бобоқулов** ва бошқарма бошлиғи ўринбосари **И.Эргашев** ҳамда Фориш тумани ҳокими **(И.Матиев)** зиммасига юклатилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари **О.Ашурматов** ҳамда вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи **Б.Бобоқулов** зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Э.Салиев**